

Ўрта Осиё йирик дарё хавзаларини гидрографик таърифлари

Режа:


1. Каспий денгиз хавзаси.
2. Туркманистандаги берк дарёлар хавзаси.
3. Амударё хавзаси.
4. Сирдарё хавзаси.
5. Чуй, Талас дарёлари ва Иссиккўл хавзаси.
6. Балхаш кўли хавзаси.
7. Марказий Қозоғистон берк дарёлари хавзалари.


Марузачи:

т.ф.н. Ф. Гаппаров

Ўрта Осиёning асосий ҳавзалари бўйича дарёлар

- Каспий денгизи ҳавзаси дарёлари (Урал, Эмба, Атрек ва ҳ.к.)
- Туркманистон берк ҳавзаси дарёлари (Тажанг, Мурғоб, Копетдоғнинг шимолий ёнбағридан оқувчи дарёлар).
- Амударё ҳавзаси дарёлари (Вахш, Панж, Кофирниҳон, Сурхондарё, Шеробод, Зарафшон, Қашқадарё).
- Сирдарё ҳавзаси дарёлари (Норин, Қорадарё, Фарғона водийси дарёлари, Чирчик, Оҳангарон, Калас, Арис ва ҳ.к.).
- Чуй, Талас ва Иссиққўл ҳавзаси дарёлари.
- Балхаш кўли ҳавзаси дарёлари (Или ва унинг ирмоқлари ва ҳ.к)
- Шимолий Қозоғистон ва Марказий Қозоғистон берк ҳавзаси дарёлари.






18-расм. Урта Осиёнинг гидрографик схемаси:

a — Урта Осиёнинг тоғли қисми; *б* — схеманинг шимолий чегараси; *в* — бош сув айргичлар; *г* — сув айргичлар; I—Каспий денизи ҳавзаси; II—Туркманистоннинг берк ҳавзалари; III—Амударё ҳавзаси; IV—Сирдарё ҳавзаси; V—Чуй, Талас дарёларин ва Иссиккүл ҳавзаси; VI—Балхаш кўли ҳавзасининг жанубий қисми; 1) Қашқадарё ҳавзаси; 2) Зарафшон дарёси ҳавзаси; 3) Талас ва Асса дарёлари ҳавзаси; 4) Чуй дарёси ҳавзаси, 5) Иссиккүл ҳавзаси.


Каспий денгизи ҳавзаси дарёлари



- **Урал дарёси** жанубий Урал тоғ тизмасидан бошланиб, ўз сувини Каспий денгизига Гурьев шаҳри ёнида қуяди. Унинг узунлиги 2530 км, сув йиғилиш майдони $180\ 000\ \text{км}^2$. Дарёning асосий тўйиниш манбаи қор сувлари бўлиб, йиллик оқимнинг 80 % ни ташкил қиласди. Унинг ўртacha йиллик сув сарфи Кумиш қишлоғи створида $400\ \text{м}^3/\text{сек}$. Энг катта максимал сув сарфи $13500\ \text{м}^3/\text{сек}$. га тенг. Ўртacha кўп йиллик сувнинг лойқалиги $290\ \text{г}/\text{м}^3$. Йирик ирмоқлари Сакмарা, Орь ва Илек дарёлари ҳисобланади.
- **Эмба дарёси** Мугожар тоғларининг ғарбий ён бағридан 350 м баландликдан бошланади. Дарёning узунлиги 712 км, сув йиғилиш майдони $40400\ \text{км}^2$. Бу дарёning асосий тўйиниш манбаи мавсумий қор қоплами ҳисобланади. Йирик ирмоқларидан бири ўнг қирғоқдан тушадиган Темир дарёси ҳисобланади.

- Атрек дарёси Эрон территориясида, Копетдоғ төғ тизмаларидан, Себаза ва Зиров (Султон Зерова) дарёларининг қуиилишидан ҳосил бўлади ва кўп ўтмасдан кенг Машҳад-Кучан ботиғига оқиб чиқади. Бу ҳавза ҳудудида абсолют баландликлар 3000 м дан ортмайди, кўпгина қисмида ҳатто 2000 м га ҳам етамайди. Төғ тизмалари паст бўлганлиги ва жанубда жойлашганлиги учун Атрек ҳавзасида ёғин оз ёғади, ҳаво эса иссиқ бўлади. Бу ҳол Атрек ҳавзасидаги дарёларни камсув бўлишига олиб келади ва кенг Каспий бўйи паст текислигига чиқади. Сувнинг ҳаммаси суғоришга сарф бўлади, унинг ўртacha кўп йиллик сув сарфи Қизил Атрек шаҳри яқинида $9,22 \text{ м}^3/\text{s}$. Атрек дарёсининг узунлиги 635 км, сув йиғилиш майдони 26720 km^2 . Бу дарё қорёмғир сувларидан тўйинганлигидан йиллик оқимнинг 55 % март-июн, 9,8% июл-сентябр, қолган 35,2 % октябр-феврал ойларида оқиб ўтади. Сувнинг ўртacha кўп йиллик лойқалиги $22 \text{ кг}/\text{m}^3$. Ўртacha оқим модули $0,35 \text{ л/сек.км}^2$ га тенг. Атрек дарёсининг энг йирик ирмоғи – Сумбар ўнг томондан қуилади. Сумбар дарёси ҳавзаси майдони 8517 km^2 бўлиб, унинг режими Атрек режимига ўхшайди. Дарё ҳавзасига йилига ўртacha ҳисобда 325 мм ёғин ёғади. Сумбар дарёсининг ўртacha оқим модули $0,3 \text{ л/сек.км}^2$ дан ортиқ эмас. Бу Атрек дарёсининг оқим модулидан икки марта камдир. Сумбар дарёсиниг тўлин сув даври эрта баҳорда бўлади. Дарёning қуиилиш жойидаги ўртacha сув сарфи $1,2 - 1,3 \text{ m}^3/\text{s}$.

Туркманистон берк хавзаси дарёлари



Туркманистон берк ҳавзаси дарёлари

- **Мурғоб дарёси** Афғонистонга қарашли Сафидкўх ва Банди Туркистон тоғ тизмалари оралиғидаги баланд ясси тоғлардан бошланади. Унинг узунлиги 852 км, сув йиғиш майдони 46880 km^2 . Дарёning ўртача кўп йиллик сув сарфи Тахтабозор шаҳри ёнида $51,6 \text{ m}^3/\text{сек}$. Бу дарё қор-ёмғир сувларидан тўйинади, март-июн ойлари давомида 52,1 %, июл-сентябр ойлари давомида 19,5 %, октябр-февралда эса 28,4 % оқим оқиб ўтади. Бу дарё ва унинг ирмоқлари Ўрта Осиёдаги энг лойқа дарёлардир (ўртача йиллик сув сарфлари $53,1 \text{ m}^3/\text{с}$ га тенг бўлган, сув лойқалиги эса $5,4 \text{ кг/m}^3$ ни ташкил этган, демак ўрта ҳисобда ҳар йили сув йиғилиш майдони юзасидан 259 тонна лойқа оқизиклар ювлиб кетади).
- Ирмоқлари Кошон ($L = 252 \text{ км}$, $F = 7000 \text{ km}^2$, $Q = 1.15 \text{ m}^3/\text{с}$); Кушка($L=277 \text{ км}$, $F=10720 \text{ km}^2$ $Q= 3.5 \text{ m}^3/\text{с}$) Кайсар дарёларидир. Бироқ бу дарёларда баҳорда секундига бир неча ўн ва ҳатто бир неча юз метр кубдан ортиқ сув оқиб ўтадиган сел тошқинлари бўлиши мумкин. Кошон ва Кушка Ўрта Осиёнинг энг лойқа дарёларидир. Кошон дарёсининг ўртача лойқалиги $94,5 \text{ кг/m}^3$ ни ташкил этади, Кушка дарёсининг лойқалиги $28,1 \text{ кг/m}^3$ га тенг.

- **Тажан дарёси** Эрон худудида Сафедкўх ва Сиёхкўх тоғ тизмаларидан оқиб тушувчи бир нечта кичик сой ва жилғаларнинг бирлашувидан ҳосил бўлади. Унинг узунлиги 1124 км, сув йиғилиш майдони 70620 km^2 га тенг. У бошланиш қисмида Сарижангаль, ўрта қисмида Херируд ва Туркманистонга чиққандан кейин Тажан номи билан оқади. Серахс шаҳридан юқорида Тажан дарёсига бир нечта ирмоқлари келиб қуяди, улар орасидан чап томондан қўйиладиган Табобишлан, Жом ва Кашшофруд дарёлари ажралиб туради. Тажан дарёсининг ўртacha кўп йиллик сув сарфи $32,3 \text{ m}^3/\text{сек.}$ га тенг. Ўртacha ҳисобда йиллик оқимнинг 84,7 % март-июн, 0,6 % июл – сентябр ва 14,7 % октябр – феврал ойларида оқиб ўтади. Максимал сув сарфи $990 \text{ m}^3/\text{сек.}$ ни ташкил этади. Ўртacha йиллик лойқалиги 16 кг/m^3 га тенг.
- *Копетдоғ тизмасининг шимоли-шарқий ён бағридаги дарё, сой, жилғалар.* Копетдоғ тоғ тизмасининг шимоли-шарқий ён бағридан 30 та дарё сой, жилға ва булоқлар оқиб тушади. Улар орасида нисбатан йириклари Дурунгёр ($F=3150 \text{ km}^2$), Қазаганчайники ($F=1300 \text{ km}^2$), Саккизёб (Гармоб) ($F=949 \text{ km}^2$), Ашхабодсой, Ферузасой ва бошқалар. Дарёларнинг ўртacha йиллик сув сарфи $0,5-2 \text{ m}^3/\text{сек}$ оралиғида ўзгаради. Копетдоғ тоғ тизмасидан ҳосил бўлган оқим модули $0,8 \text{ л/c.*km}^2$ га тенг, дарё ҳавзаларидан жами $11,8 \text{ m}^3/\text{сек}$ сув келади.